

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки томонидан
2017 йил "10" Март
РҲЙХАТГА ОЛИНДИ

Рўйхат рақами 79 -сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Раиси
биринчи ўринбосари
С.С.Ходжаев



“ASIA ALLIANCE BANK”

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИНИНГ

УСТАВИ

(янги тахрирда)

Банк акциядорларининг
2017 йил 31 январдаги
навбатдан ташқари умумий
йиғилишининг
АС-1/2017-сонли қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

Йиғилиш Раиси
А.С.Касимов



Тошкент - 2017 йил

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Бундан буён матнда "Банк" деб аталувчи «ASIA ALLIANCE BANK» акциядорлик тижорат банки акциядорлик жамияти шаклида фаолият кўрсатиб, кредит ташкилоти ҳисобланади.

1.2. Банк 2008 йил 25 декабрдаги банк таъсисчиларининг йиғилиш қарорига асосан ташкил этилган (2008 йил 25 декабрдаги 1/2008-сонли баённома).

1.3. Мазкур устав Банкнинг таъсис ҳужжати ҳисобланади.

II. БАНКНИНГ ФИРМА НОМИ, ЖОЙЛАШГАН ЕРИ, ЭЛЕКТРОН ПОЧТА МАНЗИЛИ ВА ВЕБ-САЙТИ

2.1. Банкнинг давлат тилидаги тўлиқ фирма номи (лотин алифбосида):
«ASIA ALLIANCE BANK» aksiyadorlik tijorat banki;

Банкнинг давлат тилидаги қисқартирилган фирма номи (лотин алифбосида):
«ASIA ALLIANCE BANK» ATB;

Банкнинг давлат тилидаги тўлиқ фирма номи (кирилл алифбосида):
«ASIA ALLIANCE BANK» акциядорлик тижорат банки;

Банкнинг давлат тилидаги қисқартирилган фирма номи (кирилл алифбосида):
«ASIA ALLIANCE BANK» АТБ;

Банкнинг рус тилидаги тўлиқ фирма номи:
Акционерно-коммерческий банк «ASIA ALLIANCE BANK»;

Банкнинг рус тилидаги қисқартирилган фирма номи:
АКБ «ASIA ALLIANCE BANK»;

Банкнинг инглиз тилидаги тўлиқ фирма номи:
The Joint-Stock Commercial Bank «ASIA ALLIANCE BANK»;

Банкнинг инглиз тилидаги қисқартирилган фирма номи:
JSCB «ASIA ALLIANCE BANK».

2.2. Банкнинг жойлашган ери ва почта манзили:
Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Тараққиёт кўчаси, 2А уй, почта индекси: 100047.

2.3. Банкнинг электрон почта манзили: info@aab.uz.

2.4. Банкнинг расмий веб-сайти: www.aab.uz.

III. БАНКНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАВҚЕИ ВА ЖАВОБГАРЛИГИ

3.1. Банк юридик шахс бўлиб, у ўз мустақил балансида ҳисобга олинган алоҳида мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан мулкӣ ва шахсий номулкий ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

3.2. Банк Марказий банкда давлат рўйхатидан ўтказилган пайдан эътиборан юридик шахс мақомига эга бўлади.

3.3. Банк Ўзбекистон Республикаси ягона банк тизимида киради ва ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Қимматли қоғозлар бозори

тўғрисида»ги, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунларига, бошқа қонунларга, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларига, қарорларига ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг норматив ҳужжатларига, бошқа қонун ҳужжатларга, шунингдек мазкур уставга амал қилади.

3.4. Банк фаолият кўрсатиш муддати чекланмаган ҳолда ташкил этилган.

3.5. Банк ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ҳамда жойлашган ери кўрсатилган юмалоқ муҳрга эга. Муҳрда бир вақтнинг ўзида фирманинг номи бошқа исталган тилда ҳам кўрсатилиши мумкин.

3.6. Банк ўзининг номи ёзилган штамп ва бланкаларга, ўз тимсолига ҳамда хусусий аломатларини акс эттирувчи бошқа воситаларга эга.

3.7. Банк ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли барча мол-мулк билан жавобгар бўлади.

3.8. Акциядорлар Банкнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди ва унинг фаолияти билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида қоплаш таваккалчилигини ўз зиммасига олади.

3.9. Акцияларнинг ҳақини тўлиқ тўламаган акциядорлар Банкнинг мажбуриятлари юзасидан ўзларига тегишли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўлади.

3.10. Банк ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

3.11. Давлат ва унинг органлари Банкнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди, худди шунингдек Банк ҳам давлат ва унинг органларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

3.12. Банк ўз фаолиятини амалга оширишга доир қарорлар қабул қилишда давлат ҳокимияти органларидан мустақилдир.

3.13. Банк барча акциядорларга уларга тегишли улуш миқдори, даромад даражаси, жинси, ирқи, дини, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, шахсий ва жамиятдаги ўрнидан қатъи назар тенг муносабатни таъминлайди.

IV. БАНКНИНГ ФИЛИАЛЛАРИ ВА ВАКОЛАТХОНАЛАРИ, ШУЎБА ВА ТОБЕ ХЎЖАЛИК ЖАМИЯТЛАРИ

4.1. Банк Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонун ҳужжатларига мувофиқ филиаллар ташкил этишга ва ваколатхоналар очишга ҳақли.

4.2. Банк Марказий банкнинг рухсати билан чет элларда ўз филиаллари ва ваколатхоналарини очиши мумкин.

4.3. Банкнинг филиаллари ва ваколатхоналари юридик шахс бўлмайди. Улар Банкнинг Кенгаши томонидан тасдиқланган низом асосида иш юритади. Банкнинг филиалга ва ваколатхонага бериб қўйилган мол-мулки Банкнинг балансида ҳисобга олинади.

4.4. Банк томонидан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида филиаллар ташкил этиш ва ваколатхоналар очиш, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, филиаллар ва

ваколатхоналар жойлашган ердаги мамлакатнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

4.5. Филиаллар ва ваколатхонанинг раҳбарлари Банк Бошқарув Раиси томонидан Марказий банк билан келишган ҳолда тайинланади ҳамда Банк томонидан берилган ишончнома асосида иш юритади. Банк номидан ишончнома Бошқарув Раиси ёки унинг вазифасини бажарувчи томонидан берилади.

4.6. Филиаллар Банк номидан судда қатнашиши мумкин.

4.7. Филиал ҳамда ваколатхона фаолияти учун жавобгарлик Банк зиммасида бўлади.

4.8. Банк (филиал) жойлашган ердан ташқарида Банкнинг (филиалнинг) ички тузилмавий бўлинмаларини очиши мумкин. Ички тузилмавий бўлинмаларга қўшимча офислар ва операцион кассалар киради.

4.9. Банк акциядорлик жамияти ёки масъулияти чекланган жамият шаклидаги шўъба ва тобе ҳўжалик жамиятларига эга бўлиши мумкин.

4.10. Банк филиаллари ва ваколатхоналари тўғрисидаги маълумотлар акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган Банкнинг ташкилий тузилмасида кўрсатилади.

V. БАНК ФАОЛИЯТИНИНГ СОҲАСИ (АСОСИЙ ЙўНАЛИШЛАРИ) ВА МАҚСАДИ

5.1. Банкнинг асосий мақсади банк операцияларини амалга оширишдан даромад олиш.

5.2. Банк операциялари Ўзбекистон Республикаси «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонунида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг махсус рухсатномаси (лицензия) асосида амалга оширилади.

5.3. Банк қуйидаги банк операцияларини амалга ошириши мумкин:
жисмоний ва юридик шахсларнинг, шу жумладан вакил банкларнинг ҳисобварақларини очиш ва юритиш, ҳисобварақлар бўйича ҳисоб-китоб қилиш;
омонатларга пул маблағларни жалб этиш;

кредитларнинг қайтаришлилиги, тўловлилиги, таъминланганлиги, мақсадлилиги ва муддатлилиги шарти билан ўз маблағлари ва жалб этилган маблағлар ҳисобидан ўз номидан Банк мижозларига – корхона, ташкилот ва муассасаларга кредитлар бериш;

маблағ эгаси ёки маблағни тасарруф этувчи билан тузилган шартномага биноан пул маблағларини бошқариш;

молиявий лизингни ташкиллаштириш ва амалга ошириш;

қимматли қоғозлар чиқариш, харид қилиш, сотиш, ҳисобини юритиш ва уларни сақлаш, мижоз билан тузилган шартномага биноан қимматли қоғозларни бошқариш, шунингдек қимматли қоғозлар билан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида тақиқланмаган бошқа операцияларни бажариш;

пул маблағлари, векселлар, тўлов ва ҳисоб-китоб ҳужжатларини инкассо қилиш;

жисмоний ва юридик шахсларга ҳужжатлар ва бошқа бойликларни сақлаш учун махсус бинолар ёки улар ичидаги пўлат сандиқларни ижарага бериш;

учинчи шахслардан мажбуриятларнинг бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқини олиш;

банк фаолияти юзасидан маслаҳат ва ахборот хизмати кўрсатиш;

учинчи шахслар номидан мажбуриятларнинг бажарилишини назарда тутувчи кафолатлар бериш;

ҳалқаро банк амалиётларига ва Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа операциялар.

5.4. Банк чет эл валютасида операциялар амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган тақдирда, банк чет эл валютасида операциялар ўтказиш ҳуқуқига эга.

5.5. Банк бевосита ишлаб чиқариш, савдо ва сугурта фаолияти билан шуғулланишга ҳақли эмас, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

5.6. Банк қонунчиликда белгиланган тартибда қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига эга.

VI. БАНК УСТАВ ФОНДИНИНГ (УСТАВ КАПИТАЛИНИНГ) МИҚДОРИ

6.1. Банкнинг устав фонди (устав капитали) акциядорлар олган Банк акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади ва Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида ифодаланади. Банк томонидан чиқариладиган барча акцияларнинг номинал қиймати бир хил бўлиши керак.

6.2. Банкнинг устав фонди (устав капитали) Банк мол-мулкининг Банк кредиторлари манфаатларини кафолатлайдиган энг кам миқдорини белгилайди.

6.3. Кредитга ва гаровга олинган маблағлардан ҳамда бошқа жалб этилган маблағлардан Банкнинг устав капиталини шакллантириш учун фойдаланишга йўл қўйилмайди.

6.4. Банк устав фондининг (устав капиталининг) миқдори 124 166 124 500 (бир юз йигирма тўрт миллиард бир юз олтиш олти миллион бир юз йигирма тўрт минг беш юз) сўмни ташкил қилади ҳамда номинал қиймати 250 (икки юз эллик) сўм бўлган 496 664 498 (тўрт юз тўқсон олти миллион олти юз олтмиш тўрт минг тўрт юз тўқсон саккиз) дона эгаси ёзилган оддий ҳужжатсиз акцияларга бўлинган.

6.5. Банк муассислари рўйхати ва уларнинг устав фондига (устав капиталига) киритган бадаллари ва улушлари тақсимоти иловада келтирилган.

VII. БАНК АКЦИЯЛАРИНИНГ СОНИ, НОМИНАЛ ҚИЙМАТИ, ТУРЛАРИ

7.1. Банк томонидан 496 664 498 (тўрт юз тўқсон олти миллион олти юз олтмиш тўрт минг тўрт юз тўқсон саккиз) дона эгаси ёзилган оддий ҳужжатсиз акциялар жойлаштирилган.

7.2. Банк устав фондини (устав капиталини) ошириш мақсадида жойлаштирилган акцияларига қўшимча равишда чиқариши мумкин бўлган зълон қилинган акцияларнинг ҳажми акциядорлар умумий йиғилиши томонидан аниқланади.

7.3. Банк акцияларининг номинал қиймати 250 (икки юз эллик) сўм.

VIII. БАНКНИНГ УСТАВ ФОНДИНИ (УСТАВ КАПИТАЛИНИ) КЎПАЙТИРИШ ВА КАМАЙТИРИШ. БАНК ТОМОНИДАН АКЦИЯЛАРНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ ВА ШАРТЛАРИ

8.1. Банкнинг устав фонди (устав капитали) қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

8.2. Қўшимча акциялар мазкур уставда белгиланган эълон қилинган акцияларнинг сони доирасидагина Банк томонидан жойлаштирилиши мумкин.

8.3. Банкнинг устав фондини (устав капиталини) қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги қарор Банк Кенгаши томонидан бир овоздан қабул қилинади.

8.4. Банкнинг устав фондини (устав капиталини) қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган қўшимча оддий акцияларнинг ва имтиёзли акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш муддатлари ва шартлари белгиланган бўлиши керак.

8.5. Банкнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг номинал қиймати миқдоридан рўйхатдан ўтказилади. Бунда банк уставидан кўрсатилган, эълон қилинган муайян турдаги акцияларнинг сони ушбу турдаги жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг сонига камайрилиши керак.

8.6. Банкнинг тегишли бошқарув органи томонидан қабул қилинган қўшимча акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарор Банкнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш тўғрисидаги қарордир.

8.7. Банкнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш жалб қилинган инвестициялар, Банкнинг ўз капитални ва ҳисобланган дивидендлар ҳисобидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.

8.8. Банкнинг устав фондини (устав капиталини) унинг ўз капитални ҳисобидан кўпайтиришда қўшимча акциялар барча акциядорлар ўртасида тақсимланади. Бунда ҳар бир акциядорга қайси турдаги акциялар тегишли бўлса, айна ўша турдаги акциялар унга тегишли акциялар сонига мутаносиб равишда тақсимланади. Банкнинг устав фонди (устав капитални) кўпайтирилиши натижасида кўпайтириш суммасининг битта акциянинг номинал қийматига мувофиқлиги таъминланмайдиган бўлса, Банкнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтиришга йўл қўйилмайди.

8.9. Акцияларни жойлаштириш, шу жумладан акциядорлар ўртасида жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилишда акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархи Банк Кенгаши томонидан қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчиларининг савдо майдончаларида вужудга келаётган нархлар конъюктурасидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

8.10. Банк акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни очиқ ва ёпиқ обуна воситасида, биржа ва биржадан ташқари бозорларда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жойлаштиришга ҳақли.

8.11. Банк томонидан акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган, ҳақи пул маблағлари билан тўланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштиришда овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар уларни имтиёзли олиш ҳуқуқига эга. Акциядор, шу жумладан акциядорларнинг умумий йиғилишида қарши овоз берган ёхуд унда иштирок этмаган акциядор акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни ўзига тегишли шу турдаги акциялар миқдорига мутаносиб миқдорда имтиёзли олиш ҳуқуқига эга.

8.12. Банкнинг акцияларини ва бошқа қимматли қоғозларини жойлаштириш чоғида уларга ҳақ тўлаш фақат пул маблағлари орқали амалга оширилади. Банкнинг қўшимча акциялари ва бошқа қимматли қоғозларига ҳақ тўлаш тартиби уларни чиқариш тўғрисидаги қарорда белгилаб қўйилади.

8.13. Банкнинг қўшимча акцияларига ушбу акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган жойлаштириш муддати ичида ҳақ тўланиши лозим.

8.14. Банк томонидан Банкнинг қўшимча акцияларини ва бошқа эмиссиявий қимматли қоғозларини жойлаштириш муддати уларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йилдан ошмаслиги керак.

8.15. Банкнинг устав фонди (устав капитали) акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан акцияларнинг бир қисмини кейинчалик бекор қилган ҳолда Банк томонидан акцияларни олиш йўли билан камайтирилиши мумкин.

8.16. Банк устав фондиди (устав капиталини) камайтиришга, агар бунинг натижасида унинг миқдори Банклар устав фондиди (устав капиталини) Банк уставиди тегишли ўзгартиришларни давлат рўйхатидан ўтказиш санасида аниқланадиган, қонунчиликда белгиланган энг кам миқдоридан камайиб кетса, ҳақли эмас.

8.17. Банкнинг устав фондиди (устав капиталини) камайтириш тўғрисидаги ва Банк уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги қарорлар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

8.18. Банкнинг устав фондиди (устав капиталини) камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинаётганда акциядорларнинг умумий йиғилиши устав фондиди (устав капиталини) камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

8.19. Банк устав фондиди (устав капиталини) камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай ўз кредиторларини бу ҳақда ёзма шаклда хабардор қилади. Кредиторлар Банкнинг устав фондиди (устав капиталини) камайтириш тўғрисида ўзларига билдириш юборилган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай Банкдан ўз мажбуриятларини муддатидан олдин бажаришини ва устав фонди (устав капитали) камайтирилиши билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини қоплашини талаб қилишга ҳақли.

IX. БАНКНИНГ КОРПОРАТИВ ОБЛИГАЦИЯЛАРИ ВА БОШҚА ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРИ

9.1. Банк корпоратив облигацияларни ва бошқа қимматли қоғозларни чиқаришга ҳамда жойлаштиришга ҳақли.

9.2. Банкнинг корпоратив облигациялари Банк акцияларига айирбошланадиган қимматли қоғозлар бўлиши мумкин.

9.3. Банк мол-мулк билан таъминланган корпоратив облигацияларни уларни чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш санасидаги ўз капитали миқдори доирасида чиқаришга ҳақли.

9.4. Банк томонидан корпоратив облигацияларни чиқариш, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган корпоратив облигацияларни чиқариш Банк Кенгашининг қарорига кўра амалга оширилади.

9.5. Банк томонидан Банк Кенгашининг қарорига кўра акцияларга айирбошланадиган корпоратив облигациялар чиқарилган тақдирда, мазкур қарор Банк Кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши керак.

X. БАНК АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

10.1. Акциядорлар:

Банк акциядорларининг реестрига киритилиш;

депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;

Банк фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;

Банк тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;

акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали Банкни бошқаришда иштирок этиш;

Банкнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;

олган дивидендини эркин тасарруф этиш;

қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;

ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига бирлашиш;

қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш ҳуқуқига эга;

ўзларига тегишли акцияларнинг сонига мутаносиб равишда Банкнинг бошқа акциядорлари томонидан сотилаётган акцияларни учинчи шахсга таклиф этилаётган нарх бўйича ва шартлар асосида сотиб олиш имтиёзли ҳуқуқига эга

10.2. Агар Банкнинг бошқа акциядорлари ўз имтиёзли ҳуқуқларидан фойдаланмаган бўлса, Банк унинг акциядорлари ушбу Уставнинг 10.3. бандига мувофиқ сотаётган акцияларини сотиб олиш имтиёзли ҳуқуқига эга.

10.3. Ўз акцияларини сотаётган акциядор акцияларини сотиш нияти тўғрисида бошқа акциядорларни акцияларнинг нархини ва учинчи шахсга таклиф этиш шартларини кўрсатган ҳолда тўғридан-тўғри ёхуд Банк орқали ёзма шаклда хабардор қилиши шарт.

Акциядор сотаётган акцияларни сотиб олишга доир имтиёзли ҳуқуқидан фойдаланиш муддати акциядор томонидан сотиш нияти тўғрисида акциядорларни ёзма хабардор қилган пайтдан эътиборан 20 (йигирма) кунни ташкил этади.

Агар акциядорлар акцияларни сотиб олиш бўйича ўз имтиёзли ҳуқуқидан кўрсатилган муддат давомида фойдаланмаган бўлишса, ушбу ҳуқуқ Банка берилади ва сотилаётган акцияларни акциядорларнинг имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи тугаган пайтдан 10 (ўн) кун ичида Банк қолган акциялар пакетини тўлиқ ёки қисман сотиб олиш бўйича ўз имтиёзли ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин.

Акциядорнинг имтиёзли ҳуқуқи акциядорнинг номи (фамилия, исми, шарифи), жойлашган жойи (яшаш манзили) ва сотиб оладиган акцияларнинг сони кўрсатилган ҳолда акциядор сотаётган акцияларни сотиб олиш ҳақидаги аризани Банк орқали акциядор-сотувчига ёзма шаклда юбориш йўли билан амалга оширилади. Бундай ариза Банка ушбу имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш муддати ичида тақдим қилиниши лозим. Акциядор ўз имтиёзли ҳуқуқини тўлиқ ёки қисман амалга ошириши мумкин.

Акциядор томонидан ўзига тегишли акциялар имтиёзли ҳуқуқ бузилган ҳолда сотилган тақдирда, Банкнинг исталган акциядори ва (ёки) Банк бундай қоидабузарлик тўғрисида акциядор ёки Банк билган ёхуд билиши лозим бўлган

пайтдан эътиборан уч ой ичида ўзига сотиб олувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ўтказилишини суд тартибида талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Акцияларни олишга бўлган ушбу имтиёзли ҳуқуқдан бошқа шахс фойдасига воз кечишга йўл қўйилмайди.

10.4. Акциядорлар қонун ҳужжатларига ва мазкур уставга мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

10.5. Акциядор томонидан ҳуқуқларнинг амалга оширилиши бошқа акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги лозим.

10.6. Акцияларга бўлган ҳуқуқлар акцияларни олувчига унинг депо ҳисобварағига тегишли кирим ёзуви киритилган пайтдан эътиборан ўтади ва депо ҳисобварағидан кўчирма билан тасдиқланади.

10.7. Акция билан тасдиқланадиган ҳуқуқлар уларни олувчига ушбу қимматли қозғоғга бўлган ҳуқуқлар ўтган пайтдан эътиборан ўтади.

10.8. Акциядор:

ўз ваколатли шахсининг ваколатлари тугатилганлиги ёки ўзгартирилганлиги тўғрисида унга депозитар хизматларини амалга оширилаётган юридик шахсга хабар қилишга;

ўз реквизитларидаги барча ўзгаришлар ҳақида унга депозитар хизматларини амалга оширилаётган юридик шахсни хабардор қилишга;

Банк билан битим тузишда аффилланган эканлиги тўғрисида тузилиши кутилаётган битим ҳақидаги маълумотларни, шу жумладан битимда иштирок этаётган шахслар, битим предмети тўғрисидаги маълумотларни, тегишли шартноманинг муҳим шартларини батафсил кўрсатган ҳолда ёзма билдириш юбориш орқали Банкни хабардор этишга;

Банк фаолияти ҳақидаги конфиденциал (махфий), шу жумладан Банк тижорат сирини ҳисобланадиган маълумотларни ошкора қилмасликка;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига зид бўлмаган мазкур устав қоидаларига риоя қилишга мажбур.

10.9. Банк миноритар акциядори асоссиз ҳужжатларни талаб қилиш ва махфий ахборот, тижорат сирларидан фойдаланиш орқали Банк бошқарув органлари фаолиятига тўсқинлик қилмаслиги керак.

10.10. Акциядорлар, шу жумладан миноритар акциядорлар овоз беришда уларнинг биргаликдаги нуқтаи назарини шакллантириш учун акциядорлик келишувларини тузишга ҳақли.

XI. СОФ ФОЙДА ВА ДИВИДЕНДЛАРНИ ТАҚСИМЛАШ ҲАМДА ЗАРАРЛАРНИ ҚОПЛАШ ТАРТИБИ

11.1. Банк соф фойдани тақсимлаш масалаларида тўлиқ мустақилдир. Банкнинг соф фойдаси (солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан сўнг) Банк ихтиёрида қолади ва акциядорлар умумий йиғилиши қарорига асосан Банкнинг захира фондини шакллантиришга йўналтирилади, акциядорлар орасида дивиденд шаклида тақсимланади, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ бошқа мақсадларга ишлатилади.

11.2. Банкнинг зарарлари захира фонди маблағлари, акциядорларнинг мақсадли бадаллари ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қопланиши мумкин.

11.3. Банк молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

11.4. Банкнинг молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўққиз ойи натижаларига кўра дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарори тегишли давр тугагандан кейин уч ой ичида қабул қилиниши мумкин.

11.5. Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор Банк Кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Дивидендларнинг миқдори Банк Кенгаши томонидан тавсия этилган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас.

11.6. Дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд Банкнинг қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин.

11.7. Дивидендлар шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олтимиш кундан кеч бўлмаган муддатда тўланади.

XII. БАНКНИНГ ФОНДЛАРИ

12.1. Банк устав фондининг (устав капиталининг) ўн беш фоизи миқдорида захира фонди ташкил этилади.

12.2. Банкнинг захира фонди мазкур уставда белгиланган миқдорга етгунига қадар соф фойдадан ҳар йилги мажбурий ажратмалар орқали шакллантирилади. Ҳар йилги ажратмаларнинг миқдори мазкур уставда белгиланган миқдорга етгунига қадар соф фойданинг беш фоизидан кам бўлмаслиги керак.

12.3. Банкнинг захира фонди фақат қонунчиликда рухсат этилган мақсадларга ишлатилади.

12.4. Агар захира фонди тўлиқ ёки қисман сарфланса, мажбурий ажратмалар ўтказиш тикланади.

12.5. Банк қонунчиликда бегиланган тартибда бошқа фондларни ташкил этиш ҳуқуқига эга.

XIII. БАНК БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ, УЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТАРТИБИ ВА ВАКОЛАТЛАРИ

13.1. Қуйидагилар Банкнинг бошқарув органлари:

акциядорларнинг умумий йиғилиши;

Банк Кенгаши;

Банк Бошқаруви.

13.2. Акциядорларнинг умумий йиғилиши Банкнинг юқори бошқарув органидир.

13.3. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

Банк уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки Банкнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш, Банк уставига Банкнинг устав фондиди (устав капиталини) қўпайтириш ва Банкнинг эълон қилинган акциялар сонини камайтириш тўғрисидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бундан мустасно;

Банкни қайта ташкил этиш;

Банкни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

Банк Кенгашининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

Банкнинг устав фондиди (устав капиталини) камайтириш;

ўз акцияларини олиш;

Банкнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, Бошқарув раисини сайлаш (тайинлаш) ва унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш. Шунингдек, Банк Кенгаши Банкнинг Бошқарув Раиси билан тузилган шартномани, агар у Банк уставини қўпол тарзда бузса ёки унинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли Банкга зарар етказилган бўлса, муддатидан илгари тугатиш (бекор қилиш) ҳуқуқига эга;

Банк Тафтиш комиссиясининг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек Тафтиш комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;

Банкнинг йиллик ҳисоботини, шунингдек Банк фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда Банкни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;

Банкнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;

Банк Кенгашининг ва Тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан Банкни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Банк Кенгашининг ҳисоботларини ва Тафтиш комиссиясининг хулосаларини эшитиш;

имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисида Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 35-моддасида назарда тутилган қарорни қабул қилиш;

акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;

акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;

Банк Бошқарувига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларни энг юқори миқдорларини белгилаш;

Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 8 ва 9-бобларида назарда тутилган ҳолларда Банк томонидан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

Банкнинг кундалик хўжалик фаолиятига тегишли бўлган битимларни белгилаш;

Банк томонидан хайрия (ҳомийлик) ёки бегараз ёрдам кўрсатиш учун ажратиладиган маблағларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

мазкур уставга ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

13.4. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар Банкнинг Бошқарувига ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

13.5. Акциядорларнинг умумий йиғилишини Банк Кенгашининг Раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, Банк Кенгашининг аъзоларидан бири олиб боради.

13.6. Банк ҳар йили акциядорларнинг умумий йиғилишини (акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини) ўтказиши шарт.

13.7. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади. Қоида тариқасида, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши йилнинг иккинчи чорагида ўтказилади. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида Банк Кенгашини ва Тафтиш комиссиясини сайлаш тўғрисидаги, Банк Бошқарув Раиси билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги ҳақидаги масалалар ҳал этилади, шунингдек қонун ҳужжатлари ва мазкур уставга мувофиқ Банкнинг йиллик ҳисоботи ва бошқа ҳужжатлари кўриб чиқилади.

13.8. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлардир.

13.9. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси ва тартиби, йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш тартиби, акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик вақтида акциядорларга бериладиган материалларнинг (ахборотнинг) рўйхати Банкнинг Кенгаши томонидан белгиланади.

13.10. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар, шунингдек овоз бериш яқунлари акциядорлар эътиборига:

акциядорлар умумий йиғилиши тугаганидан сўнг эълон қилиш;

акциядорлар умумий йиғилиш баённомаси тузилган санадан икки иш куни давомида муҳим факт тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилиш йуллари билан етказилади.

Агар Банк акциялари фонд биржасининг листингига киритилган бўлса, Банк фонд биржасининг расмий веб-сайтида тегишли ахборотни эълон қилиши шарт.

13.11 Банк овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгаллик қилувчи акциядорлар (акциядор) Банкнинг молия йили тугаганидан кейин олти кундан кечиктирмай акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда Банк Кенгаши ва Тафтиш комиссиясига бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли.

Акциядорлар (акциядор) Банк Кенгаши ва Тафтиш Комиссиясига ўзлари кўрсатган номзодлар рўйхатига акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги хабар эълон қилинган санадан эътиборан уч иш кундан кечиктирмай ўзгартишлар киритишга ҳақли.

13.12. Банк Кенгаши Банк фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади.

13.13. Банк Кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

Банкни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги Банк Бошқарувининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда Банк фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, бундан Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни 65-моддасининг ўн биринчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно;

акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;

акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;

акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун Банк акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 59-моддаси биринчи қисмининг иккинчи хатбошисида назарда тутилган масалаларни акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;

мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

Банкнинг Бошқарув аъзоларини (Раисдан ташқари) сайлаш (тайинлаш), уларнинг ваколатларини узайтириш ёки муддатидан илгари тугатиш;

Банкнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш;

ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чорақда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;

Банк Бошқарувининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва Банк Кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни Банк Бошқарувидан олиш. Банк Кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;

аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш ҳақида қарор қабул қилиш;

Банкнинг Тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш;

дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

Банкнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

Банкнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;

шўъба ва тобе хўжалик жамиятларни ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 8 ва 9-бобларида назарда тутилган ҳолларда битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;

Банкнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;

Банкнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

Банкнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш, шунингдек Банк уставига Банкнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш ҳамда Банкнинг

эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарор (акциялар, облигациялар) ва эмиссия рисоласини тасдиқлаш;

қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарорга (акциялар, облигациялар) ва эмиссия рисоласига ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчалар киритиш ва уларнинг матнини тасдиқлаш;

Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 34-моддасига мувофиқ акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

Банк томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

Банк Бошқарувига тўланадиган ҳақ ва компенсациялар миқдорларини белгилаш;

корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгиловчи низомни тасдиқлаш;

Акциядорлар умумий йиғилиши ва қонунчилик билан белгиланган миқдорда хайрия (ҳомийлик) ёки беғараз ёрдами кўрсатиш (олиш) тартиби ва қарор қабул қилиш шартларини барча акциядорларга ошкор этган ҳолда белгилаш;

Банк Кенгашида тегишли йўналишлар бўйича қўмиталар (ишчи гуруҳлар) ташкил этиш.

13.14. Банк Кенгашининг ваколат доирасига Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни ва мазкур уставга мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш ҳам киритилиши мумкин.

13.15. Банк Кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал қилиш учун Банк Бошқарувига ўтказилиши мумкин эмас.

13.16. Банк Кенгашининг аъзолари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга сайланади. Банк Кенгашининг сон таркиби 5 кишидан иборат.

13.17. Банк Кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин.

13.18. Банк Бошқаруви раиси ва аъзолари Банкнинг Кенгашига сайланиши мумкин эмас.

13.19. Банкда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар Банкнинг Кенгаши аъзоси бўлиши мумкин эмас.

13.20. Банк Кенгаши таркибига сайланадиган шахсларга нисбатан қўйиладиган талаблар мазкур уставда, банк ички меъёрий ҳужжатларида ёки акциядорлар умумий йиғилишининг қарорида белгилаб қўйилиши мумкин.

13.21. Банк Кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади.

13.22. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони Банк Кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва

акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақли.

13.23. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар Банк Кенгашининг таркибига сайланган деб ҳисобланади.

13.24. Банк Кенгашининг раиси Кенгаш аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан, ушбу Кенгаш таркибидан Кенгаш аъзолари томонидан сайланади.

13.25. Банк Кенгаши ўз раисини Кенгаш аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан қайта сайлашга ҳақли.

13.26. Банк Кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, Кенгаш мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади, акциядорларнинг умумий йиғилишида раислик қилади.

13.27. Банк Кенгашининг раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини Кенгашнинг аъзоларидан бири амалга оширади.

13.28. Банк Кенгашининг мажлиси Кенгашнинг раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, Банк Кенгаши, Тафтиш комиссияси, Бошқарув аъзосининг ва ички аудит хизмати бошлиғи ҳамда Банк овоз берувчи акцияларининг камида бир фоизига эгаллик қилувчи акциядорлар (акциядор) талабига кўра чақирилади.

13.29. Банк Кенгаши мажлислари унинг раиси томонидан ҳар чорақда камида бир марта чақирилади.

13.30. Банк Кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум Банк Кенгашига сайланган аъзоларнинг етмиш беш фоизидан кам бўлмаслиги керак.

13.31. Банк Кенгаши аъзоларининг сони мазкур уставда назарда тутилган миқдорнинг етмиш беш фоизидан кам бўлган тақдирда, Банк Кенгашининг янги таркибини сайлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириши шарт. Банк Кенгашининг қолган аъзолари акциядорларнинг бундай навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилишга, шунингдек Банк Бошқарув раисининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлашга ҳақлидир.

13.32. Банк Кенгашининг мажлисида қарорлар мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади, агар қонунчиликда ва мазкур уставда ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса.

13.33. Банк Кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) Банк Кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

13.34. Банкнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш коллегиял ижроия органи - Бошқаруви томонидан амалга оширилади.

13.35. Банк Бошқаруви 7 (етти) кишидан иборат бўлиб бир йил муддатга сайланадилар (тайинланадилар).

13.36. Банк Бошқаруви Раиси Банк акциядорлари умумий йиғилишининг, Банк Бошқаруви аъзолари эса Банк Кенгашининг тегишли қарорлари билан ўз лавозимларига сайланадилар (тайинланадилар).

Бунда, Банк Бошқаруви Раиси ва Банк Бошқаруви аъзолигига тавсия этилаётган номзодлар чет эллик менежерлар иштирок этиши мумкин бўлган танлов натижалари асосида саралаб олинади.

Акциядор ёки акциядор вакили ҳисобланган Бошқарув аъзолари Бошқарув аъзоларини сайлаш (тайинлаш) бўйича овоз беришда иштирок этишга ҳақли эмас.

13.37. Банк Бошқаруви Раиси ва аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонун ҳужжатларида, мазкур уставда ҳамда уларнинг ҳар бири Банк билан бир йил муддатга тузадиган шартномада белгиланиб, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилинади.

13.38. Шартнома Банк номидан Банк Кенгашининг раиси ёки Кенгаш ваколат берган шахс томонидан имзоланади.

13.39. Банкнинг Бошқарув Раиси ва аъзоларига тўланадиган ҳақ миқдори Банк фаолиятининг самарадорлигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади ва шартномада белгиланган бўлиши керак.

13.40. Банкнинг Бошқарув Раиси ва аъзоларининг вазифаларини бошқа ташкилотларнинг бошқарув органларидаги лавозим билан биргаликда эгаллаб туришга фақат Банк Кенгашининг розилиги билан йўл қўйилади.

13.41. Акциядорларнинг умумий йиғилиши Бошқарув Раиси билан тузилган шартномани у шартнома шартларини бузган тақдирда тугатишга (бекор қилишга) ҳақли.

13.42. Банк Кенгаши Бошқарув аъзолари билан тузилган шартномани улар шартнома шартларини бузган тақдирда тугатишга (бекор қилишга) ҳақли.

13.43. Банк Кенгаши Бошқарув Раиси билан тузилган шартномани, агар у Банк уставини қўпол тарзда бузса ёки унинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли Банкга зарар етказилган бўлса, муддатидан илгари тугатиш (бекор қилиш) ҳуқуқига эга.

13.44. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан Банк Бошқарув Раисининг ваколатларини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, Банк Бошқарув Раисининг ваколатларини бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги масала ўша йиғилишнинг ўзида ҳал этилиши ёхуд Банк Бошқарув Раисининг вазифасини вақтинча бажарувчи шахсни тайинлаган ҳолда акциядорларнинг яқин орадаги умумий йиғилишида кўриб чиқиш учун қолдирилиши мумкин.

13.45. Бошқарув раисининг ваколатларини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган Банк Кенгаши Банк Бошқарув Раисининг вазифасини вақтинча бажарувчи шахсни тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилади, шунингдек Банкнинг Бошқарув Раиси тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиради.

13.46. Банк Бошқарувининг ваколатига Банкнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, акциядорлар умумий йиғилишининг ёки Банк Кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар бундан мустасно.

13.47. Банк Бошқаруви акциядорлар умумий йиғилишининг ва Банк Кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этади.

13.48. Банк Бошқарув Раисининг ваколатлари (ҳуқуқлари) ва мажбуриятлари:

Банк номидан ишончномасиз иш юритади, шу жумладан унинг манфаатларини ифодалайди, Банк номидан битимлар тузади ва ҳужжатларни имзолайди;

Банк филиалларини очилиши бўйича тайёргарлик ишларини ташкиллаштиради;

штатларни тасдиқлайди, Банкнинг барча ходимлари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар, фармойишлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;

Банкнинг тузилмавий бўлинмалар раҳбарларини тайинлайди (Банкнинг ички аудит хизмати раҳбарининг тайинлаш бундан мустасно), шу жумладан филиаллар ва ваколатхоналар раҳбарларини (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан келишилган ҳолда) ва бош ҳисобчиларини тайинлайди;

Банкнинг тузилмавий бўлинмалари тўғрисидаги низомларни (Банкнинг ички аудит хизмати ва ички назорат хизмати тўғрисидаги низомлар бундан мустасно), Банк ходимларининг лавозим йўриқномаларини тасдиқлайди;

аниқ йўналиш бўйича Банк ходимлари ва тузилмавий бўлинмалари орасида мажбуриятларни тақсимлайди;

Банк Бошқаруви томонидан тасдиқланган барча локал ҳужжатларни имзолайди;

амалдаги қонунчиликга мувофиқ ва ўз ваколати доирасида Банкнинг мол-мулки ва пул маблағларини бошқаради;

Банк номидан ишончномалар беради;

Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилигига мувофиқ ходимларни ишга қабул қилади ва озод этади, рағбатлантиради ва уларга нисбатан интизомий чораларини қўллайди;

Банк номидан филиаллар раҳбарлари билан меҳнат шартномаларини тузади;

Банк Кенгаши мажлисларига Банкнинг ривожлантириш стратегиясини ва уни амалга ошириш усулларига доир таклифларни киритади;

акциядорлар умумий йиғилиши ва Банк Кенгашининг мажлисларига таёргарлик кўришни ва уларни ўтказишни ҳамда улар томонидан қабул қилинган қарорларни бажарилишини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари, мазкур устав ва Банкнинг ички ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатлар (ҳуқуқлар) ва мажбуриятлар.

13.49. Банк Бошқарувининг ваколатлари (ҳуқуқлари) ва мажбуриятлари:

Банкнинг жорий фаолиятини самарали, оператив бошқаришни ташкиллаштириш ва амалга ошириш;

акциядорлар умумий йиғилиши ва Банк Кенгаши қарорларини бажарилишини таъминлаш;

Банк ҳисоботини кўриб чиқиш, шу жумладан халқаро бухгалтерия ҳисоби стандартларига мувофиқ тайёрланган ҳисоботларни;

халқаро бухгалтерия ҳисоби стандартларига мувофиқ тайёрланган молиявий ҳисоботларни ошқора қилиш бўйича қарорлар қабул қилиш;

Банкнинг даромадлилигини ва рақобатбардошлилигини ошириш мақсадида унинг жорий хўжалик сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

Банк хизматларига истиқболда талабни ошишини, унинг фаолиятининг янги йўналишларини аниқлаш;

Банкда янги хизматларни жорий этиш тартибини аниқлаш ва улар бўйича тегишли ички норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

молия бозорида Банк ҳаракатларининг тактикасини ишлаб чиқиш бўйича қарорлар қабул қилиш;

ташқи аудиторлик ташкилотлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан Банкда ўтказилаётган текширишлар натижасида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар режасини кўриб чиқиш учун Банк Кенгашига киритиш, кўрсатиб ўтилган чора-тадбирлар режасини бажарилиши юзасидан ишларни ташкиллаштириш;

Банк аудиторлари томонидан аниқланган камчиликларни бартараф этиш ҳамда Банк аудиторлари томонидан ўтказилган текшириш якуни бўйича қилинган ишлар натижаларини кўриб чиқиш учун Банк Кенгашига киритиш;

Банк фаолиятининг истиқболли ва жорий бизнес-режаларини ишлаб чиқиш;

Банк хизматлари бўйича нарх ва тарифларни тасдиқлаш;

Банкнинг жорий фаолиятини тартибга солувчи Банкнинг ички ҳужжатларини, йўриқномалар, қоидалар, тартиблар, Банк Бошқаруви ваколатига тааллуқли бўлган бошқа ички ҳужжатларни намунавий шаклини тасдиқлаш;

иш жараёнини ташкиллаштиришнинг асосий масалаларини ҳал қилиш, шу жумладан меҳнат тартиби, меҳнатни муҳофаза қилиш ва техник хавсизлик, ижтимоий ривожлантириш, шунингдек Банк ходимларини моддий ва маънавий рағбатлантириш;

эҳтимолий зарарларни қоплаш бўйича захиралар ҳисобига «умидсиз» активларни қоплаш тўғрисида қарор қабул қилиш. Бунда Банк Бошқаруви уч кун муддатда Банк Кенгашини хабардор қилади;

Банк фаолиятини ташкиллаштириш бўйича назоратни амалга ошириш, шу жумладан:

а) банк операцияларини ва бошқа битимларни амалга оширишда ваколатларни тақсимлаш бўйича;

б) маълумотлар оқимларини (маълумотларни олиш ва бериш) бошқариш ва маълумотлар ҳимоясини таъминлаш бўйича;

банк хавф-хатарларини бошқариш жараёнидан қатнашиш ва банк хавф-хатарларини баҳолаш;

Банк Кенгашининг қарорларини бажаришда, Банк стратегиясини ва сиёсатларини амалга оширишда масъулиятни белгилаш;

Банк фаолияти самарадорлиги бўйича даврий баҳолаш натижаларни ва материалларни кўриб чиқиш;

Банкда маълумотларни узатиш ва алмашинуви бўйича ва ушбу маълумотларни манфаатдор шахсларга етказиб берувчи самарали тизимни яратиш. Маълумотларни узатиш ва алмашинуви тизими Банк фаолияти тартиб-таомилини ва операция сиёсатини аниқловчи барча ҳужжатларни ўз ичига олади;

банк хавф-хатарларини самарали бошқариш бўйича шарт-шароитлар яратиш, шу жумладан:

а) банк хавф-хатарларини бошқариш бўйича асосий тамойилларга риоя қилиш мақсадида хавф-хатарларни бошқариш қоидаларини ва тартиб-тамомойилларини аниқловчи Банк Кенгаши томонидан тасдиқланадиган ички ҳужжатларни қабул қилинишини таъминлаш;

б) турли хил даражадаги бўлинмалар раҳбарлари орасида банк хавф-хатарларини бошқариш бўйича ваколатларни ва мажбуриятларни тақсимлаш,

уларни зарур бўлган ресурслар билан таъминлаш, ҳисоботларни тақдим этиш ва ўзаро ҳамкорлиги тартибини ўрнатиш;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари, мазкур устав ва Банкнинг ички ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатлар (ҳуқуқлар) ва мажбуриятлар.

XIV. БАНКНИНГ ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

14.1. Банкнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга 3 аъзодан иборат Тафтиш комиссияси сайланади.

14.2. Айти бир шахс Банкнинг Тафтиш комиссияси таркибига кетма-кет уч мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

14.3. Банк Тафтиш комиссиясининг ваколат доираси қонун ҳужжатлари, мазкур устав ва Банк ички меъёрий ҳужжатлари билан белгиланади.

14.4. Банк Тафтиш комиссиясининг ёзма талабига кўра Банк Бошқарувида мансабни эгаллаб турган шахслар Банкнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни Тафтиш комиссиясига тақдим этиши шарт.

14.5. Тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида Банк Кенгашининг аъзоси бўлиши, шунингдек Банкда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаши мумкин эмас.

14.6. Банкнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш Тафтиш комиссиясининг, акциядорлар умумий йиғилишининг, Банк Кенгашининг ташаббусига кўра ёки Банк овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгаллик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра Банк Кенгашини олдиндан хабардор қилиш йўли билан бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият яқунлари бўйича амалга оширилади.

14.7. Банкнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш яқунларига кўра Банкнинг Тафтиш комиссияси хулоса тузади, бу хулосада:

Банкнинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигига доир баҳо;

бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тақдим этиш тартиби бузилганлиги, шунингдек молия-хўжалик фаолияти амалга оширилаётганда қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисидаги ахборот кўрсатилиши шарт.

14.8. Тафтиш комиссияси Банкда аффилиланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун ҳужжатларининг ва Банк ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хулосани ҳар чорақда Банк Кенгашининг мажлисига олиб чиқади. Ушбу уставнинг 14.7. бандида кўрсатилган ахборотни ўз ичига олган хулоса акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида эшитилади.

14.9. Тафтиш комиссиясининг ваколатлари (ҳуқуқлари) ва мажбуриятлари:

Банкнинг ҳар қандай молиявий ҳужжатларини текшириш;

Банкнинг бошқарув органларидан, унинг бўлинмалари ва хизматларидан, мансабдор шахсларидан, Тафтиш комиссия иши учун зарур бўлган ҳужжатларни талаб қилиш ва олиш;

молиявий, ҳуқуқий фаолиятда қонунбузарликлар аниқланган ёки Банк манфаатларига таҳдид пайдо бўлган ҳолатларда акциядорлар умумий йиғилишини ёки Банк Кенгашининг мажлисини чақиритиш талаб қилиш;

Банк акциядорларининг умумий йиғилиши, Кенгаши, Бошқаруви эътиборига амалга оширилган тафтиш ва текширишлар натижаларини Банк бошқарув органлари мажлисларида хулосалар, ёзма ҳисоботлар, билдиришномалар, ахборотлар шаклида ўз вақтида етказиш;

Банкнинг йиллик ҳисоботидаги ва йиллик бухгалтерия ҳисоботига киритилган маълумотлар ишончлилиги бўйича баҳо бериш;

Банкнинг молиявий ҳолатига таъсир этувчи хавф-хатар ва бошқа вазиятлар олдида Банкнинг заифлигига баҳо бериш;

Банкнинг молия-хўжалик фаолиятини йил якуни бўйича ёки бошқа давр учун қонунчиликка ва Банк уставига мувофиқ шахслар ташаббусига кўра тафтиш ўтказиш;

тижорат сирини сақлаш, ўз функцияларини бажаришлари пайтида Тафтиш комиссияси аъзолари конфиденциал маълумотларга эга бўлганда, ушбу маълумотларни ошкора қилмаслик;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари, мазкур устав ва Банкнинг ички ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатлар (ҳуқуқлар) ва мажбуриятлар.

14.10. Банкда ички аудит хизмати ташкил этилган. Ички аудит хизмати Банк Кенгашига ҳисобдордир.

14.11. Банкнинг ички аудит хизмати Банк Бошқаруви, филиаллари ва ваколатхоналари томонидан қонун ҳужжатларига, Банк уставига ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда ишончли тарзда акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек Банкни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш орқали Банк Бошқаруви, филиаллари ва ваколатхоналари ишини, устав капиталининг (фондининг) эллик фоизидан ортиғига банк эгалик қиладиган юридик шахслар билан амалиётларни ички назоратини амалга оширади.

14.12. Банкнинг молиявий ҳисоботида кўрсатилган ва акциядорларнинг умумий йиғилишига тақдим этиладиган молиявий ҳисоботдаги, бухгалтерия балансидаги, фойда ва зарарлар ҳисобварағидаги маълумотларнинг ишончлилиги мулкӣ манфаатлари Банк ёки унинг акциядорлари билан боғлиқ бўлмаган аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланган бўлиши керак.

14.13. Банк йиллик молия ҳисоботини ҳар йилги текшириш ва тасдиқлаш учун аудиторлик ташкилотини жалб этади. Аудиторлик ташкилоти Банк Кенгаши томонидан тасдиқланади.

14.14. Аудиторлик ташкилоти Банк билан тузилган шартномага мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Банк молия-хўжалик фаолиятининг текширилишини амалга оширади ва унга аудиторлик хулосасини тақдим этади.

14.15. Аудиторлик ташкилоти Банкнинг молиявий ҳисоботи ва молияга доир бошқа ахборот ҳақидаги нотўғри хулосани ўз ичига олган аудиторлик хулосаси тузилганлиги оқибатида етказилган зарар учун Банк олдида жавобгар бўлади.

14.16. Банк Кенгашига ҳисобдор бўлган ва корпоратив қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат қилиш вазифасини бажарувчи корпоратив маслаҳатчиси лавозими Банкда жорий этилган.

14.17. Банк корпоратив маслаҳатчисининг фаолияти Банк Кенгаши томонидан тасдиқланган низом асосида амалга оширилади.

XV. ҲИСОБ ВА ҲИСОБОТ

15.1. Банк қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисобини юритиши ва молиявий ҳисобот тақдим этиши шарт.

15.2. Банкда бухгалтерия ҳисобининг ташкил этилиши, ҳолати ва ишончлилиги, тегишли органларга ҳар йилги ҳисобот ва бошқа молиявий ҳисоботлар, шунингдек Банкнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида акциядорларга, кредиторларга тақдим этиладиган Банк фаолияти тўғрисидаги маълумотлар ўз вақтида тақдим этилиши учун жавобгарлик Банк Бошқарувининг зиммасида бўлади.

15.3. Банкнинг йиллик ҳисоботи акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан ўн кундан кечиктирмай Банк Кенгаши томонидан дастлабки тарзда тасдиқланиши лозим.

15.4. Банкнинг йиллик ҳисоботи акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида тасдиқланади.

15.5. Банкнинг молиявий йили биринчи январ куни бошланади ва ўттиз биринчи декабрда тугайди.

15.6. Банк ўз молия-ҳўжалик фаолияти тўғрисидаги маълумотларни қонунчиликда ўрнатилган тартибда ва муддатларда ошқора қилади.

XVI. БАНКНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ

16.1. Банкни қайта ташкил этиш акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва ўзгартириш шаклларида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкдан рухсатнома олган ҳолда амалга оширилади.

16.2. Банк Марказий банкнинг талабига кўра ҳам қайта ташкил этилиши мумкин.

16.3. Банк акциядорлари умумий йиғилишининг қарори Банкни қайта ташкил этиш учун рухсатнома олиш тўғрисидаги аризани Марказий банкка тақдим этишга асос бўлади.

16.4. Банкни қайта ташкил этиш тўғрисидаги қарор акциядорлар умумий йиғилиши томонидан йиғилишда иштирок этаётган акциядорлар - овоз берувчи акциялар эгаларининг тўртдан уч қисм овози берилган ҳолда қабул қилинади.

16.5. Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан Банкни қайта ташкил этиш тўғрисидаги қарор қабул қилинганидан кейин қайта ташкил этилаётган банк 30 кундан кеч бўлмаган муддатда билан ўз кредиторларини келгусидаги ўзгаришлар ҳақида хабардор қилиши шарт.

16.6. Янгидан вужудга келган юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан Банк қайта ташкил этилган деб ҳисобланади, бундан қўшиб олиш шаклида қайта ташкил этиш мустасно.

16.7. Банк уставига банкни қайта ташкил этилиши муносабати билан киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар қонунчилик ва Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатга олинади.

16.8. Банк ихтиёрий ёки мажбурий равишда тугатилиши мумкин.

16.9. Банкни тугатиш учун қуйидагилар асос бўлади:

а) банк операцияларини амалга ошириш лицензияси Марказий банк томонидан чақириб олиними;

б) Марказий банк рухсати мавжуд бўлган ҳолда акциядорлар умумий йиғилишининг Банкни ихтиёрий равишда тугатиш тўғрисидаги қарори;

в) банкрот деб эълон қилинганида.

16.10. Банк ихтиёрий равишда тугатилган тақдирда, тугатилаётган Банкнинг Кенгаши Банкни тугатиш ва тугатиш комиссиясини тайинлаш тўғрисидаги масалани акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун олиб чиқади.

16.11. Ихтиёрий равишда тугатилаётган Банк акциядорларининг умумий йиғилиши Банкни тугатиш ва тугатиш комиссиясини тайинлаш ҳақида қарор қабул қилади.

16.12. Банк суднинг қарорига кўра тугатилаётганда тугатиш комиссиясини тайинлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

16.13. Тугатиш комиссияси тайинланган вақтдан бошлаб унга Банк ишларини бошқариш ваколатлари ўтади.

16.14. Тугатиш комиссияси аъзолари томонидан амалдаги қонунчилик бузилган ҳолларда, Марказий банк бошқа тугатиш комиссияси аъзоларини тайинлашни талаб қилишга ҳақли.

16.15. Тугатиш комиссияси кредиторларни аниқлаш ва дебиторлик қарзларини олиш чора-тадбирларини кўради, шунингдек кредиторларни Банкнинг тугатилиши тўғрисида ёзма шаклда хабардор қилади.

16.16. Кредиторларнинг талаблар қўйиши учун белгиланган муддат тугаганидан кейин тугатиш комиссияси оралиқ тугатиш балансини тузади, мазкур балансда тугатилаётган Банк мол-мулкининг таркиби, кредиторлар томонидан тақдим этилган талаблар, шунингдек уларни кўриб чиқиш натижалари ҳақидаги маълумотлар кўрсатилади.

16.17. Банк тугатилаётганда унинг кредиторлари талаблари амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда қондирилади.

16.18. Жисмоний шахс бўлган омонатчилар тугатишдан келиб тушган тушумлар ҳисобига ўз омонатларини олишда устуворликка эгадирлар.

16.19. Тугатилаётган Банкнинг мулки бир навбатдаги барча талабларни тўлиқ қондириш учун етарли бўлмаса, мавжуд маблағлар амалдаги қонунчиликка мувофиқ кредиторлар ўртасида тақсимланади.

16.20. Кредиторлар талаблари қондирилганидан сўнг қолган Банк мулки қонунчиликда белгиланган тартибда тақсимлаш учун Банк акциядорларига берилади.

16.21. Тугатиш ишлари якунланганидан сўнг тугатиш комиссияси бажарилган ишлар тўғрисидаги якуний ҳисоботни ва тугатиш балансини тузади.

16.22. Банк банкларни рўйхатга олиш Давлат китобидан ўчириб ташланган вақтдан бошлаб тугатилган ҳисобланади.

XVII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

17.1. Ўз ваколати доирасида ва Банкга юклатилган вазифаларга мувофиқ Банк давлат ва банк сирини ҳисобланадиган маълумотларни ҳимоя қилинишини таъминлайди.

17.2. Акциядорлар умумий йиғилишини чақириш ва ўтказиш билан боғлиқ масалалар амалдаги қонунчилик билан тартибга солинади ва Банк акциядорларининг умумий йиғилиши тўғрисидаги низом билан белгиланади.

17.3. Банк Кенгаши, Бошқаруви ва Тафтиш комиссиясининг фаолият кўрсатиш тартиби амалдаги қонунчилик билан тартибга солинади ва акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган низомларда белгиланади.

17.4. Банк акциядорларининг умумий йиғилиши ва ўз ваколатлари доирасида Банк Кенгаши томонидан мазкур уставга киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикасининг тегишли давлат органида белгиланган тартибда рўйхатга олинади.

17.5. Банк уставига киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар ёки Банкнинг янги таҳрирдаги устави учинчи шахслар учун улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб, қонунчиликда белгиланган ҳолларда эса давлат рўйхатидан ўтказувчи орган хабардор этилган пайтдан эътиборан кучга киради.

17.6. Агар мазкур уставни бирон бир қонунчиликда ўз кучини йўқотган бўлса, бу қонунчиликда бошқа қонунчиликларни тўхтатиш учун сабаб бўлмайди.

17.7. Агар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида мазкур уставда назарда тутилганидан бошқача қонунчилик белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатлари қонунчилик қўлланилади.

17.8. Мазкур уставда тартибга солинмаган муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги билан тартибга солинади.

Бошқарув Раиси



И.А. Абдукахоров

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки томонидан
2017 йил "1" ИЮН
РҲЙХАТГА ОЛИНДИ

Руйхат рақами 49-1-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Раиси
биринчи ўринбосари
С.С. Ходжаев



“ASIA ALLIANCE BANK”

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИНИНГ

УСТАВИГА КИРИТИЛГАН ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР

Банк акциядорларининг
2017 йил 11 майдаги
навбатдаги йиллик
умумий йигилишининг
АС-2/2017-сонли қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

Йигилиш Раиси
С.С. Касимов



Тошкент - 2017 йил

**"ASIA ALLIANCE BANK" акциядорлик тижорат банкининг
Уставига киритилган 1-сонли ўзгартириш ва қўшимчалар**

1) Уставнинг 2.2. банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"2.2. Банкнинг жойлашган ери ва почта манзили: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Махтумқули кўчаси, 2А уй, почта индекси - 100047."

2) Уставнинг 7.2. банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"7.2. Банк устав фондини (устав капиталини) ошириш мақсадида жойлаштирилган акцияларига қўшимча равишда чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган акцияларининг сони 200 000 000 (икки юз миллион) дона эгаси ёзилган оддий, Банк Кенгаши қарорига мувофиқ ёпиқ обуна орқали Банкнинг барча акциядорлари ёки уларнинг бир қисмига жойлаштириладиган, акциялардан иборат."

Бошқарув Раиси



И.А. Абдукахоров

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки томонидан
2017 йил " 6 " ноябр
РЎЙХАТГА ОЛИНДИ

Руйхат рақами 79-2-сон



“ASIA ALLIANCE BANK”

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИНИНГ

УСТАВИГА КИРИТИЛГАН ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР

Банк акциядорларининг
2017 йил 29 сентябрдаги
Навбатдан ташқари
умумий йиғилишининг
АС-3/2017-сонли қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН



Тошкент - 2017 йил

**“ASIA ALLIANCE BANK” акциядорлик тижорат банкининг
Уставига киритилган 2-сонли ўзгартириш ва қўшимчалар**

1) Уставнинг 13.7. банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“13.7. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиш санаси, қонунчиликда белгиланган тартибда, Банк Кенгаши томонидан белгиланади. Қоида тариқасида, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши, Банк Кенгаши томонидан йиғилиш ўтказишнинг бошқа санаси белгиланмаган тақдирда, 11 майда ўтказилади. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида Банк Кенгашини ва Тафтиш комиссиясини сайлаш тўғрисидаги, Банк Бошқарув Раиси билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги ҳақидаги масалалар ҳал этилади, шунингдек қонун ҳужжатлари ва мазкур уставга мувофиқ Банкнинг йиллик ҳисоботи ва бошқа ҳужжатлари кўриб чиқилади.”

2) Уставнинг 13.11. банди биринчи хатбошидаги “Банкнинг молия йили тугаганидан кейин олтмиш кундан кечиктирмай” деган сўзлар “1 апрелгача” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3) Уставнинг 13.11. банди қуйидаги таҳрирдаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Бунда акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини чақириш бўйича Кенгаш қарори Уставнинг мазкур банди биринчи хатбошисида кўрсатилган санадан олдин қабул қилиниши мумкин эмас.”

4) Уставнинг 13.11 бандидаги иккинчи хатбоши учинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

5) Уставнинг 13.49. банди қуйидаги таҳрирдаги йигирма еттинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Банк депозит сертификатларини чиқариш бўйича қарор қабул қилиш, депозит сертификатларни чиқариш ва муомалада бўлиш шартларини тасдиқлаш, шунингдек уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;”

6) Уставнинг 13.49 бандидаги йигирма еттинчи хатбоши йигирма саккизинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

Бошқарув Раиси



И.А. Абдукахоров

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки томонидан
2017 йил "25" сентябрь
РҲЙХАТГА ОЛИНДИ

Рўйхат рақами 79-3 -сон



Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Раисининг
Биринчи ўринбосари
Т.А. Ишметов

“ASIA ALLIANCE BANK”

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИНИНГ
УСТАВИГА КИРИТИЛГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР

«ASIA ALLIANCE BANK» АТБ
Банк Кенгашининг
2017 йил 17 ноябрдаги
К-90-сонли қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН



Кенгаши Раиси
А.С. Касимов

Тошкент - 2017 йил

**"ASIA ALLIANCE BANK" акциядорлик тижорат банкининг
Уставига киритилган 3-сонли ўзгартиришлар**

1) Уставнинг 6.4. банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Банк устав фондининг (устав капиталининг) миқдори 140 000 000 000 (бир юз қирқ миллиард) сўмни ташкил қилади ҳамда номинал қиймати 250 (икки юз эллик) сўм бўлган 560 000 000 (беш юз олтмиш миллион) дона эгасининг номи ёзилган оддий ҳужжатсиз акцияларга бўлинган."

2) Уставнинг 7.1. банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Банк томонидан 560 000 000 (беш юз олтмиш миллион) дона эгасининг номи ёзилган оддий ҳужжатсиз акциялар жойлаштирилган."

3) Уставнинг 7.2. банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Банк устав фондини (устав капиталини) ошириш мақсадида жойлаштирилган акцияларига қўшимча равишда чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган акцияларининг сони 136 664 498 (бир юз ўттиз олти миллион олти юз олтмиш тўрт минг тўрт юз тўқсон саккиз) дона эгасининг номи ёзилган оддий, Банк Кенгаши қарорига мувофиқ ёпиқ обуна орқали Банкнинг барча акциядорлари ёки уларнинг бир қисмига жойлаштириладиган, акциялардан иборат."

Бошқарув Раиси



И.А. Абдукахоров

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки томонидан
2018 йил "26" Февраль
РЎЙХАТГА ОЛИНДИ

Рўйхат рақами 79-4 -сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Раисининг
биринчи ўринбосари
Т.А. Ишметов



“ASIA ALLIANCE BANK”

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИНИНГ

УСТАВИГА КИРИТИЛГАН ЎЗГАРТИРИШ

“ASIA ALLIANCE BANK” АТБ
акциядорларининг
2018 йил 9 февралдаги
Навбатдан ташқари Умумий
йиғилишининг АС-1/2018- сонли
қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН



Тошкент - 2018 йил

“ASIA ALLIANCE BANK” акциядорлик тижрат банкининг Уставига киритилган ўзгартириш

1. 7.2.банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“7.2. Банк устав фондини (устав капитални) ошириш мақсадида жойлаштирилган акцияларига қўшимча равишда чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган акцияларининг сони 320 000 000 (Уч юз йигирма миллион) дона эгасининг номи ёзилган оддий, Банк Кенгаши қарорига мувофиқ ёпиқ обучна орқали Банкнинг барча акциядорлари ёки уларнинг бир қисмига жойлаштириладиган, акциялардан иборат.”

Бошқарув Раиси



И.А. Абдукахоров

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки томонидан
2019 йил "18" *октябрь*
РЎЙХАТГА ОЛИНДИ

Рўйхат рақами *79/5* -сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Раисининг
биринчи ўринбосари
Т.А. Ишметов



“ASIA ALLIANCE BANK”

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИНИНГ

УСТАВИГА КИРИТИЛГАН ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР

“ASIA ALLIANCE BANK” АТБ
Ягона акциядорининг
2019 йил *04* январдаги
АС-2/2019- сонли
қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

Давлат активларини
бошқариш Маркази
Бош директорининг
Биринчи ўринбосари
А.Э. Миралиев



Тошкент - 2019 йил

**“ASIA ALLIANCE BANK” акциядорлик тижорат банкининг
Уставига киритилган
5-сонли ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Уставнинг 5.4 банди чиқариб ташлансин.
2. Уставнинг 5.5. ва 5.6. бандлари тегишли 5.4. ва 5.5 бандлари деб ҳисоблансин.

3. Уставнинг 6.5 банди чиқариб ташлансин.

4. Устав қуйидаги таҳрирдаги 13.4¹ банди билан тўлдирилсин:

“13.4¹. Агар Банкнинг барча оддий акциялари битта акциядорга тегишли бўлса акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилмайди. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига киритилган масалалар бўйича қарорлар бундай акциядор томонидан якка тартибда қабул қилинади ҳамда ёзма шаклда расмийлаштирилади, Банкнинг имтиёзли акциялари “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ овоз бериш ҳуқуқини олиши ҳоллари бундан мустасно. Бунда акциядорлар умумий йиғилишига тайёргарлик кўриш, уни чақириш ва ўтказиш тартибини ҳамда муддатларини белгилловчи қоидалари қўлланилмайди, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини ўтказиш муддатларига тааллуқли қоидалар бундан мустасно.”

5. Уставнинг 13.43 банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“13.43. Банк Бошқарув Раиси билан тузилган шартнома қуйидаги асосларга кўра Банк Кенгаши томонидан муддатидан илгари тугатилиши (бекор қилиниши) мумкин:

- Бошқарув Раиси томонидан берилган аризага асосан;
- Бошқарув Раиси Банк уставини қўпол тарзда бузган тақдирда;
- Бошқарув Раисининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли

Банкга зарар етказилган бўлса.”

Бошқарув Раиси



И.А. Абдукахоров

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки томонидан
2019 йил "14" май
РЎЙХАТГА ОЛИНДИ

Рўйхат рақами 7916-сон



“ASIA ALLIANCE BANK”

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИНИНГ

УСТАВИГА КИРИТИЛГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР

“ASIA ALLIANCE BANK” АТБ
Ягона акциядорининг
2019 йил 20 мартдаги
АС-3/2019- сонли
қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

Ўзбекистон Республикаси
Давлат активларини
бошқариш агентлиги
директори
А.Я. Хайдаров



Тошкент - 2019 йил

**“ASIA ALLIANCE BANK” акциядорлик тижорат банкининг
Уставига киритилган 6-сонли ўзгартиришлар**

1) Уставнинг 6.4. банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“6.4. Банк устав фондининг (устав капиталининг) миқдори 167 481 601 250 (Бир юз олтмиш етти миллиард тўрт юз саксон бир миллион олти юз бир минг икки юз эллик) сўмни ташкил қилади ҳамда номинал қиймати 250 (икки юз эллик) сўм бўлган 669 926 405 (олти юз олтмиш тўққиз миллион тўққиз юз йигирма олти минг тўрт юз беш) дона эгасининг номи ёзилган оддий ҳужжатсиз акцияларга бўлинган.”

2) Уставнинг 7.1. банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“7.1. Банк томонидан 669 926 405 (Олти юз олтмиш тўққиз миллион тўққиз юз йигирма олти минг тўрт юз беш) дона эгасининг номи ёзилган оддий ҳужжатсиз акциялар жойлаштирилган.”

3) Уставнинг 7.2. банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“7.2. Банк устав фондини (устав капиталини) ошириш мақсадида жойлаштирилган акцияларига қўшимча равишда чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган акцияларнинг миқдори номинал қиймати 250 сўм бўлган 400 000 000 (Тўрт юз миллион) дона умумий қиймати 100 000 000 000 (Бир юз миллиард) сўм эгасининг номи ёзилган оддий акциялардан иборат.”

Бошқарув Раиси



И.А. Абдукахоров

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки томонидан
2019 йил "4" сентябрь
РЎЙХАТГА ОЛИНДИ

Рўйхат рақами 79-7-сон



Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки
Раисининг ўринбосари
Б.Э. Захидов

“ASIA ALLIANCE BANK”

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИНИНГ
УСТАВИГА КИРИТИЛГАН ЎЗГАРТИШЛАР

“ASIA ALLIANCE BANK” АТБ
Ягона акциядорининг
2019 йил 31 июль даги
АС-5/2019- сонли
қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

Ўзбекистон Республикаси
Давлат активларини
бошқариш агентлиги
директори
А.Я. Хайдаров



Тошкент - 2019 йил

**“ASIA ALLIANCE BANK” акциядорлик тижорат банкининг
Уставига киритилган 7-сонли ўзгартишлар**

1) Уставнинг 13.3. банди ўн тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;”

2) Уставнинг 13.13. банди ўн учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“аудиторлик текширувини ўтказиш (мажбурий аудиторлик текшируви бундан мустасно), аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;”

3) Уставнинг 14.10. банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“14.10. Банкда ички аудит хизмати ва фақат Банк Кенгаши аъзоларидан таркиб топган Аудиторлик қўмитаси ташкил этилган. Ички аудит хизмати ўз фаолиятида Аудиторлик қўмитасига ҳисобдордир.”

4) Уставнинг 14.13. банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“14.13. Банк йиллик молия ҳисоботини ҳар йилги текшириш ва тасдиқлаш учун аудиторлик ташкилотини жалб этади. Аудиторлик ташкилоти Банк акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан белгиланади.

Бошқарув Раиси



И.А. Абдукаҳоров

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки томонидан
2019 йил "25" ноябрь
РЎЙХАТГА ОЛИНДИ

Рўйхат рақами 79-8-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки
Раиснинг ўринбосари
Б.Э. Захидов



“ASIA ALLIANCE BANK”

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИНИНГ

УСТАВИГА КИРИТИЛГАН ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР

“ASIA ALLIANCE BANK” АТБ
Ягона акциядорининг
2019 йил 04 ноябрь даги
АС-09/2019- сонли
қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

Ўзбекистон Республикаси
Давлат активларини
бошқариш агентлиги
директори ўринбосари
вазифасини бажарувчи
Т. Набиев



Тошкент - 2019 йил

“ASIA ALLIANCE BANK” акциядорлик тижорат банкининг Уставига киритилган 8-сонли ўзгартиш ва қўшимчалар

1) Уставнинг 7.2. банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“7.2. Банк устав фондини (устав капиталини) ошириш мақсадида жойлаштирилган акцияларига қўшимча равишда чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган акцияларнинг миқдори номинал қиймати 250 сўм жами 140 000 000 000 (Бир юз қирқ миллиард) сўм бўлган эгасининг номи ёзилган 400 000 000 (Тўрт юз миллион) дона оддий ва 160 000 000 (Бир юз олти миш миллион) дона имтиёзли акциялардан иборат.”.

2) Уставнинг 8.15. банди қуйидаги таҳрирдаги иккинчи хатбошиси билан тўлдирилсин:

“Бунда Банк томонидан имтиёзли акцияларни олиш уларнинг номинал қиймати бўйича амалга оширилади.”.

3) Уставнинг 10.1. банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“10.1. Акциядорлар:

Банк акциядорларининг реестрига киритилиш;

депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;

Банкнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;

олган дивидендини эркин тасарруф этиш;

қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;

ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига бирлашиш;

қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш ҳуқуқига эга.”.

4) Уставнинг 10.2. банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“10.2. Оддий акция эгалари – акциядорлар ўз ваколатларига кирадиган барча масалалар бўйича акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали иштирок этиши ҳамда Банкнинг фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиши, Банк тугатилган тақдирда эса ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиши мумкин.”.

5) Уставнинг 10.3. банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“10.3. Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар қонун ҳужжатлари ҳамда Банк уставига назарда тутилган ҳоллардан ташқари, акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш ҳуқуқига эга эмас.

Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар акциядорларнинг умумий йиғилишида жамиятни қайта ташкил этиш ва тугатиш тўғрисидаги масалалар ҳал этилаётганда овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этади.

Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар акциядорларнинг умумий йиғилишида Банк уставига имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг ҳуқуқларини чеклайдиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалалар, шу жумладан, аввалги навбатдаги имтиёзли акциялар бўйича тўланадиган дивиденднинг миқдорини белгилаш ёки кўпайтириш ва (ёки) тугатилиш қийматини белгилаш ёки кўпайтириш масалалари, шунингдек имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларга дивиденд ва (ёки) бу акцияларнинг тугатилиш қийматини тўлаш навбати бўйича имтиёзлар бериш ҳоллари ҳал этилаётганда овоз бериш ҳуқуқини олади.

Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколат доирасига кирадиган масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқи билан акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинмаган ёки дивидендларни тўлиқ тўламаслик тўғрисида қарор қабул қилинган акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан кейинги йиғилишдан бошлаб эга бўлади.

Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқи мазкур акциялар бўйича дивидендлар биринчи марта тўлиқ миқдорда тўланган пайдан эътиборан бекор қилинади.”.

6) Устав қуйидаги таҳрирдаги 10.11. банд билан тўлдирилсин:

“10.11. Акциядорнинг вакили акциядорларнинг умумий йиғилишида кун тартибидаги масалалар бўйича акциядорнинг ўзи билан келишган ҳолда қатнашади ва овоз беради. Бунда кун тартибидаги масалалар бўйича овоз бериш тартибини акциядорнинг ўзи билан келишиш акциядорнинг вакили томонидан уларга қулай ихтиёрий шаклда амалга оширилади. Акциядор ва унинг вакили ўртасидаги муносабат, шу жумладан акциядорлар йиғилиши кун тартибидаги масалалар бўйича овоз бериш тартибини келишиш, Банкнинг иштирокисиз ва қонун ҳужжатлари асосида тартибга солинади.”.

7) Уставнинг 11.5. банди қуйидаги таҳрирдаги иккинчи хатбошиси билан тўлдирилсин:

“Акциядорларнинг умумий йиғилиши оддий ва/ёки имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўламаслик тўғрисида, шунингдек имтиёзли акциялар бўйича тўлиқ бўлмаган миқдорда дивидендлар тўлаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли.”.

8) Устав қуйидаги таҳрирдаги 11.8. банд билан тўлдирилсин:

“11.8. Имтиёзли акция бўйича йиллик дивиденд миқдори унинг номинал қийматининг 45 фоизини ташкил этади.”.

9) Уставнинг 13.3. банди тўққизинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Банкнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, Бошқарув раисини ва аъзоларини сайлаш (тайинлаш) ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш. Шунингдек Банк Кенгаши Банкнинг Бошқарув раиси ва аъзолари билан тузилган шартномани мазкур уставнинг 13.43 бандига асосан муддатидан илгари тугатиш (бекор қилиш) ҳуқуқига эга;”.

10) Уставнинг 13.7. банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“13.7. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиш санаси, қонунчиликда белгиланган тартибда, Банк Кенгаши томонидан белгиланади. Қоида тариқасида, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши, Банк Кенгаши томонидан йиғилиш ўтказишнинг бошқа санаси белгиланмаган тақдирда, 1 июнда ўтказилади.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида Банк Кенгашини ва Тафтиш комиссиясини сайлаш тўғрисидаги, Банк Бошқарув Раиси ва аъзолари билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги ҳақидаги масалалар ҳал этилади, шунингдек қонун ҳужжатлари ва мазкур уставга мувофиқ Банкнинг йиллик ҳисоботи ва бошқа ҳужжатлари кўриб чиқилади.”.

11) Уставнинг 13.13. банди тўққизинчи хатбошиси чиқариб ташлансин. 13.13. банднинг 10-31 хатбошилари тегишли равишда 9-30 хатбошилар деб ҳисоблансин.

12) Уставнинг 13.36. банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“13.36. Банк Бошқарув раиси ва аъзолари Банк акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан сайланадилар (тайинланадилар).

Банк Бошқарув раисини ва Бошқарув аъзоларини тайинлаш чет эллик менежерлар иштирок этиши мумкин бўлган танлов бўйича саралаш асосида амалга оширилади. Танлов бўйича саралашни ўтказиш банкнинг ички ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Бошқарув аъзоси ҳисобланган акциядор ёки акциядор вакили Бошқарув аъзоларини сайлаш (тайинлаш) бўйича овоз беришда иштирок этишга ҳақли эмас.”.

13) Уставнинг 13.41. банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“13.41. Акциядорларнинг умумий йиғилиши Бошқарув раиси ва аъзолари билан тузилган шартномани тугатишга (бекор қилишга) ҳақли.”.

14) Уставнинг 13.43. банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“13.43. Банк Бошқарув Раиси (аъзоси) билан тузилган шартнома қуйидаги асосларга кўра Банк Кенгаши томонидан муддатидан илгари тугатилиши (бекор қилиниши) мумкин:

Бошқарув Раиси (аъзоси) томонидан берилган аризага асосан;

Бошқарув Раиси (аъзоси) Банк уставини қўпол тарзда бузган тақдирда;

Бошқарув Раиси (аъзоси) ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли Банкка зарар етказилган бўлса;

Бошқарув Раиси (аъзоси) билан тузилган шартнома шартларини бузган тақдирда.”.

15) Уставнинг 13.49. банди қуйидаги таҳрирдаги 28 ва 29 хатбошилари билан тўлдирилсин:

“Банкка тўғридан тўғри алоқаси бўлган бирор битим тузишда ёки бирор масалада ўта манфаатдорлик (бевосита, билвосита ёки учинчи шахслар номидан) мавжудлиги тўғрисида Банк Кенгашига хабар бериш;

Банкнинг обрў-эътибор хатарларини бошқариш;”.

13.49. - банднинг 28 хатбошиси 30 хатбошиси деб ҳисоблансин.

16) Уставнинг 14.13. банди қуйидаги таҳрирдаги иккинчи хатбошиси билан тўлдирилсин:

“Банкнинг овоз берувчи акцияларининг камида 10 фоизига эгаллик қилувчи акциядорлар банк фаолиятини текшириш учун ташқи аудит ўтказиш ташаббуси билан чиқиши мумкин.”.

17) Уставнинг 16.20. банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“16.20. Тугатилаётган Банкнинг кредиторлар талаблари қондирилганидан сўнг қолган мулки қонунчиликда белгиланган тартибда тақсимлаш учун Банк акциядорларига берилади.

Банк тугатилаётганда имтиёзли акциялар бўйича тугатилиш қиймати уларнинг номинал қийматига тенг.”.

Бошқарув Раиси

И.А. Абдукаҳоров

